

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2009 йил, 15 май, жума

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 97 (11.408)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида** «Қонуний меҳнат миграциясининг одам савдосига қарши курашишдаги аҳамияти» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Мазкур давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

● **Фарғона шаҳрида** вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида «Ватан оиладан бошланади» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

● **Нукусда** «Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофаза қилиниши» мавзусида бўлиб ўтган семинарда ихтирочилик ва рационализаторлик ишланмалари учун патент олиш бўйича қонун-қоидалар тўғрисида тушунчалар берилди.

● **Андижон шаҳрида** яна бир мухташам бино — «Бахт уйи» фойдаланишга топширилди. Мазкур салобатли иншоотни «Андижон трансгазмиркурилиш» савдо-ишлаб чиқариш корхонаси бунёдкорлари барпо этишди.

● **«Денов тумани марказида** «Шашмоқшаб» агрофирмаси томонидан икки қаватли меҳмонхона, супермаркет ва ресторани ўз ичига олган замонавий хизмат кўрсатиш мажмуаси ишга туширилди, мазкур мажмуада 34 киши фаолият кўрсатмоқда.

● **«Қишлоқ электр қурилмалари»** очик акциядорлик жамиятининг Наманганда фаолият кўрсатаётган корхонасида «Нексия» автомобиллари учун бутловчи қисм-йўналтирувчи мослама ишлаб чиқарила бошланди. Шу пайтгача бундай мослама хориждан валюта эвазига келтирилган эди.

● **Ўзбекистон почтасида** очик акциядорлик жамиятининг Жиззах филиали Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда олис қишлоқлар аҳолисига намунали почта хизмати кўрсатишга интиломоқда. Шу боис ҳам яқинда филиалнинг Фориш, Зафаробод, Пахтакор туманларидаги почта алоқа тармоқлари «Дамас» автомобиллари билан таъминланди.

● **Бухоро давлат университетиде** тўқимачилик соноати учун сувда эрувчи полимерлар асосида юқори самарали охорлаштирувчи ва қуоқлаштирувчи полимер композициялар олиш технологияси яратилди. Ушбу технология техник мақсадларда қўлланиладиган крахмал ва унинг маҳсулотлари сарфини кескин камайтириш имконини беради.

ЖАҲОНДА

● **«Sky News»** телеканали хабарида айтилишича, Буюк Британиянинг «British Telekom» компанияси 15 минг нафар ходими билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга қарор қилди. Бу компаниядаги умумий иш ўринларининг 10 фоизини ташкил этади. Бундай хулосага келишнинг асосий боиси жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири бўлиб, жумладан компания сўнги уч ойда 1,3 миллиард евро миқдорда зарар кўрган.

● **«Нигер дарёси дельтасининг озод қилиш ҳаракати»** жангарилари мамлакат гарбидега нефть компанияларидан бир кеча-кундузда ўз ходимларини олиб чиқиб кетишларини қатъий талаб қилишди. Жинной гуруҳ томонидан берилган баёнотда таъкидланишича, акс ҳолда улар яқинда бошланадиган фуқаролик уруши қурбонлари бўлишлари мумкин.

● **Мисрда** яна парранда гриппи аломатлари аниқланди. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарининг билдиришига кўра, Шарқия музофотида истиқомат қилувчи тўрт ёшли бола юқори тана ҳарорати билан шифохонага ётқизилган ва ўтказилган текшириш натижалари унинг H5N1 вируси билан касалланганини кўрсатган. Ҳозирда болақанининг аҳоли яхши эканлиги таъкидланмоқда.

● **Колумбия жануби-ғарбида** мамлакат ҳарбийлари ва «Колумбия инқилоб кучлари» жангарилари ўртасида қуролли тўқнашув бўлиб ўтди. Маҳаллий «Сарасол» радиосининг маълум қилишича, отишмалар чоғида етти нафар аскар ҳалок бўлган.

● **Эроннинг «Press TV»** телеканали хабарларига кўра Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) «қора олтин» қазиб олиш ҳажмини камайтиришни режалаштирмоқда. Ташкилотнинг бундай йўл тутиши айтилганда нефть сакловчи давлатларда ушбу маҳсулот захира ҳажми кескин ошиб кетгани билан изоҳланмоқда.

● **Хорватиянинг Пула шаҳрида** Бутунжаҳон жанговар санъатлар ташкилоти (WASKO) томонидан ўтказилган III жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Шарқ яққақурашларининг бир неча тури бўйича ўтказилган нуфузли беллашувда мамлакатимиз шаънини таъвандо (ITF) усталаримиз муносиб ҳимоя қилишди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

КЕЧА сатрларда

● **КЕЧА** Миллий кинология марказида Ўзбекистон Давлат божхона кўмитаси ташаббуси билан уюштирилган семинар-тренингда божхона маъмуриятчилиги тизимини такомиллаштиришда оммавий ахборот воситаларининг роли муҳкам қилинди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар Соғлиқни сақлаш бош божқармаси ташаббуси билан чўчка гриппи тарқалишининг олдини олиш масаласига бағишлаб ўтказилган тадбирда шифокорлар иштирок этишди.

● **КЕЧА** Чилонзор туманидаги 1-Республика педагогика коллежиде ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида одам савдосига қарши кураш масаласига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Фафур Фулом номли маданият ва истироҳат боғида мактаб ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган «Саломатликнинг ёш дўстлари» тадбири Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти томонидан уюштирилди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат Солиқ кўмитаси қошидаги солиқ академиясида мутахассислар, ўқувчилар, талабалар иштирокида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этишда солиқ тизимининг аҳамиятига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** шаҳримизда ташкил этилган ёш дастурчилар миллий форуми ўз ишини якуналади.

● **«ТУРКИСТОН»** саройида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида тадбиркорлар иштирокида уюштирилган кўрик-танлов «Энг намунали тадбиркор оила» деб номланди.

● **КЕЧА** «Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун» шиори доирасида «Камолот» ЕИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаш қошидаги ўн битта туман «Камалак» болалар ташкилотларининг аънавий анжуманлари ниҳоясига етди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).


Бугунги кунда мамлакатимиз корхоналарида маҳаллийлаштириш дастури асосида тайёрланаётган кўплаб маҳсулотлар импорт ўрнини босиб,

рақобатбардошлиги таъминлангани боис ҳам ички бозорда харидорини топмоқда. Албатта, бундай маҳсулотларнинг ўзимизда тайёрланиши четдан келтириладиган худди шундай товарларга эҳтиёжни камайтириб, иқтисодий таъминоти ривожига ҳам муҳим аҳамият касб этади.



Кўшма корхоналарда

РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР



га эътибор қаратаёلمиз. Яқин келгусида эса маҳсулотларимизни хорижий харидорларга ҳам сотишни режалаб турибмиз.

Корхонада маҳсулот тайёрлашда Жаңубий Корея, Хитой, Туркия ҳамда Россиядан олиб келинадиган хом ашёлар қаторида маҳаллий хом ашёдан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Маҳаллийлаштириш дастурига кирган корхонада 3 йил давомида унинг ижросини муваффақиятли таъминлаш кўзда тутилган.

Бугунги кунда мазкур корхонада 30 нафардан зиёд малакали мутахассис меҳнат қилаётган бўлса, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот тайёрлаш ҳажмини ошириш ҳисобига кўшимча ишчи ўринлари яратиш ҳам режалаштирилган.

— Бунинг учун айти пайтда Россия Федерациясидан янги технологик линия келтириш сазъ-ҳаракатидамиз, — деб маълумот берди корхона директорининг ўринбосари Олеся Корюкина. — Бу, албатта кўплаб бутловчи қисмлар

ни ҳам ўзимизда тайёрлаш имконини беради ва ўнлаб ишчи ўринлари яратишга эришамиз. Шунингдек, ҳозирда жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотларимизга четдан ҳам буюртмалар борлигини ҳисобга олиб, қувурларимизни экспорт қилишни ҳам амалга оширамиз.

Ҳозирда харидор ва буюртмачиларга қулайлик яратиш мақсадида республикамиз вилоятларида корхонанинг 5 та фирма дўкони фаолияти йўлга қўйилган. Яна шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, бозор талабига кўра изланаётган тадбиркорлар кўзлаган мақсадларига изланиш асосида эришишмоқда. Шу боис ҳам цехларда чиқарилаётган ва харидорларга манзур бўлаётган корхонанинг полипропилен қувурлари ўзига хос афзалликларга эгадир. Айтиш жоизки, ушбу товарлар зангламайди, ичида қурулма йиғилмайди, чирмайди ҳамда ўрнатишда қийинчилик туғдирмайди. Уларнинг 50 йиллик кафолат муддатлари бор. Тадбиркорлар талабига кўра жойларда қувурларни сифатли ўрнатиб беришда «Аква термопласт» маъсулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда ишланмоқда.

Тадбиркорларнинг иш бошлаганига кўп вақт бўлмасада, ички бозорда ўрнини топиб, ташқи бозорга чиқиш учун ҳам интилаётгани, албатта ташаббус билан изланиш самарасидир. Шубҳасиз, ана шу интилишлар ўз натижасини беради.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: тадбиркор жамоа ахлининг замонавий технологик линиялардан оқилона фойдаланаётгани маҳсулот сифатини таъминламоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ФРАНЦИЯДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИ НАШР ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» китоби Франциянинг «Geogata editions» нашриёт уйи томонидан француз тилида чоп этилди.

Яқинда Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонасида мазкур китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Франциянинг расмий, парламент, иқтисодий, эксперт-таҳлилий доиралари, ЮНЕСКО, Парижда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуслари ва халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Маросимда сўзга чиққан таниқли французлик сиёсатшунос, «Pantheon Assas Paris II» университетининг профессори **Ж. Барр** Президент Ислон Каримовнинг кўп томонлама таҳлилга бой бўлган ушбу асарининг афзаллиги унда мавжуд далиллар инфодаланиши ҳамда муаммонинг ечимига ҳалигача халқаро экспертлар ва мутахассислар эътибор қаратмаган томондан ёндашишида эканлигини қайд этди. «Бундай мулоҳазалар пухта ўрганилмоғи ва дунёнинг жадал суръатлар билан ўзгариб бораётгани шароитида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг ечими сифатида эътиборга олинмоғи зарур.

Асар икки даврий жиҳатни ўзида акс эттиради. Биринчи навбатда унда жаҳон инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири кўрсатилган, иккинчидан эса, китобда кечаётган жаҳон инқирози, унинг оқибатлари таҳлил этилади ва ундан чиқишга оид халқаро даражада кўриб чиқиши мумкин бўлган тақлифлар берилди. Интеллектуал нуқтаи назардан қараганда ушбу асар катта аҳамиятга эга, чунки у Ер юзиде 1929 йилдан буён содир бўлмаган энг йирик инқирозни юзага келтирган ва унинг ривожланишига туртки бўладиган омиллар ҳамда ҳодисаларнинг прагматик ва чуқур таҳлил этилиши намунасидир».

Ж. Баррнинг фикрига кўра, Ўзбекистон раҳбарининг китобида мамлакатнинг истиқболли келажаги тасвирланган. Унинг ахборот бериш ва замонавий иқтисодий таҳлилий аҳамиятидан ташқари, асар инфода тарзининг мантқиқлиги, шунингдек, ҳам услубий жиҳатдан, ҳам мазмунан фавқулодда аниқ-содаллиги билан ажралиб туради.

— Президент Ислон Каримовнинг ки-

тоби орқали биз Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий келажагига ишонч билан назар солиш имкониятига эга бўлдик, — дейди франциялик сиёсатшунос. — Асар эртанги кун сари руҳлантиришга хизмат қилади. Биз французлар, унда айнан тарихимизнинг мураккаб даврларида ҳис этган шижоат ва интилувчанликни кўрамиз. Масалан, ўз вақтида генерал де Голль бешафқат воқеликни очиб берган ва бизни ёрқин келажаққа ишонтирганди. У кучли ва буюк давлат номидан бутун мамлакатни бирлаштириш учун зарур бўлган йўлни кўрсата олган улкан эътиқодли буюк арбоб эди.

Ўзбекистон Президенти китобида билдирилган мулоҳазалар биз французларга генерал де Голлинг меҳнатларини, қисқача айтганда, голлист госянини эслатади. Бундай тухфани биз рад қила олмаймиз».

Сиёсатшунос, Гавр институтининг халқаро муносабатлар факультети ўқитувчиси Пьер Шабаль ўз нутқида куйидаги фикрларни билдирди:

— Президент Ислон Каримов асари

«Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» деб номланган чуқур маъно касб этади. Ўзбекистон раҳбарининг глобал инқироз таъсири ва оқибатлари, шунингдек, айнан Ўзбекистон шароитида унинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирларини чуқур таҳлил этгани муҳим аҳамиятга моликдир.

Инқирознинг Ўзбекистонга таъсири камроқ бўлган экан, бунда ўзига хос сабаблар бор. Биринчидан, банк тизими яхши йўлга қўйилган, унинг самарали фаолияти таъминланган, аҳолининг мамлакат банкларига ишончи юқори, иккинчидан, банклар фаолияти устидан самарали назорат ўрнатилган, учинчидан эса, мамлакат банкларининг ташқи омиллардан қарзи жуда кам даражада.

П. Шабальнинг таъкидлашича, «Ўзбекистон Президентининг ўтти даврида давлат бош ислотчи вазифини ўз зиммасига олиш лозимлиги борасидаги фикрлари тўғрисида. Зеро, бозор иқтисодиётига ўтиш давлатнинг бевосита иштирокида амалга оширилди. Францияда ҳам 1945 йилда ва ундан сўнг, маҳаллийлаштириш, режалаштириш, кредитлар ва нархлар устидан назорат ўрнатилганда шундай ҳолат кузатилган эди.

(Давоми 2-бетда).

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида баён этилган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистон иқтисодиёти янада мустаҳкамлаш, халқаро майдонда унинг салоҳияти ва обрў-эътиборини оширишда муҳим аҳамият касб этади. «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўров давлатимиз раҳбарининг ушбу асарига ўзига хос тарихий аҳамиятга эга эканини яна бир қарра исботлади.

Сўровни ўтказишдан мақсад — мамлакатимиз ва хорижий экспертларнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этишда ушбу фундаментал асарнинг роли ҳақидаги фикрларини аниқлаш ҳамда таҳлил қилишдан иборат эди. Унда ишбилармон доиралар вакиллари, мутахассислар, олимлар, сўбат ва жамоат арбоблари, олий ўқув юртли, коллежалар ўқитувчилари, фермерлар, бошқарув тузилмалари вакиллари иштирок этади.

Ижтимоий тадқиқот Президент Ислам Каримовнинг ушбу китобига талаб қилинган катталигини кўрсатди. Китоб яқинда чоп этилган қарамай, сўралганларнинг деярли ҳаммаси (94,4 фоизи) уни батафсил ва чуқур ўрганиб чиққан. Мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларида ҳар кун чоп этилаётган материаллар, дунёнинг кўплаб давлатлари экспертлари, сиёсат ва жамоат арбобларининг бу ҳақидаги таҳлилий мақола ва фикрлари ҳам шундан далолат беради. Уларда давлатимиз раҳбарининг ушбу китобига юқори баҳо берилган.

Сўровда иштирок этган экспертлар ислохотларни тадрижий равишда амалга ошириш сиёсати ва ижтимоий йўналтирилган туб ўзгаришлар тўғрисида Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирини юмшатиш, ижтимоий барқарорликни, фуқароларимизнинг кўтаринки кайфияти ва ислохотларга бўлган ишончини сақлашга эришилаётганини алоҳида таъкидлади.

Асарнинг сўров иштирокчиларининг фикрича, дунё мамлакатлари инқироздан бир пайта эмас, балки уларнинг ҳар бири ўз миллий иқтисодиётининг аҳолига қараб, турли муддатларда чиқди. Экспертларнинг 96,4 фоизи Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини биринчилар қаторида бартараф этишга ишонч

қосил қилиш учун барча асослар бор, деб ҳисоблайди.

Сўров натижаларига кўра, Ўзбекистон Президентининг стратегия аҳамиятга молик бўлган Инқирозга қарши чоралар дастури мамлакатимиз ва хорижий етакчи экспертлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда. Сўров қатнашчиларининг кўпчилиги Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг 2009-2012 йиллар учун танланган асосий устувор йўналишларини

ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИ — ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЧУҚУР ҲАҚИДАГИ ТАҲЛИЛИ ВА УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН СИЁСАТИ НАТИЖАСИДИР

маъқуллади. Улар Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши нафақат инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш ва қисқа вақт ичида унинг оқибатларини бартараф этиш, балки мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш, жаҳон бозорларида унинг рақобатбардошлигини ошириш борасида самара беришига қатъий ишонади.

Экспертларнинг 92,8 фоизи мамлакатимиз раҳбари томонидан белгиланган чора-тадбирларнинг амалга мувофиқ, таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни диверсификациялаш ишларини давом эттириш зарур, деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, уларнинг фикрига кўра, Ўзбекистоннинг кредит-молия тизими жаҳон инқирозининг дунёнинг бошқа давлатларига қараганда бирмунча тайёргарликка эга ҳолда қарши олди. Экспертлар Юрбошимизнинг, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги, саноат, нефть-газ, кичик ва ўрта бизнес, таълим каби асосий шох ва тармоқларни сармоавий ривожлантиришга қаратилган инвестиция сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Экспертларнинг мамлакатимиз раҳбари томонидан қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш, қишлоқларимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартириш, уларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантириш, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес соҳасини кенгайтириш ҳар томонлама рағбатлантириш, кичик корхоналар, микрофирмалар, яқка тартибда фаолият юритаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг тўғрилигига ишончи қосилди. Сўровда қатнашганларнинг 93,6 фоизи ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма янада ривожлантириш мамлакатини модернизация қилиш ва аҳолининг бандлик даражасини оширишда муҳим омил бўлади, деб ҳисоблайди ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган банк-молия тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг буш маблағларини тижорат банкларига депозитларига жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган инқирозга қарши чораларни маъқуллади.

Экспертларнинг 96,4 фоизининг таъкидлашича, Президент Ислам Каримовнинг китоби уларнинг фаолиятига катта ижобий таъсир кўрсатган ва маъқур асар иқтисодиёт, давлат ва жамият қурилиши соҳасида олиб борилаётган илмий ҳамда амалий ишларга қўшилган муҳим услубий ҳисса ҳисобланади.

Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг миллий модели жаҳон инқирози шароитида ўзининг афзаллигини тўлиқ исботлаганидан далолат беради.

Мухтасар айтганда, сўров Президентимиз Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида баён этилган стратегик дастурнинг ҳаётга татбиқ этилиши нафақат глобал инқирозга муносиб қарши туриш, унинг иқтисодиётимизга салбий таъсирининг олдини олиш, балки ундан қутилиш, барқарор ва мувозанатлашган иқтисодиётга эга бўлган ҳолда чиқиш, жаҳон бозорларида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш, шу асосда жадал иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини янада ошириш вазифаларини изчиллик билан ҳал этиш имконини беришини кўрсатди.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ўза муҳбири А.ИВАНОВА тайёрлади.

Шаҳримиз кўчаларини кезар эканман, диққатимни катта-кичик афиша, эълон ва

рекламалар тартади. Бир қарашда кўпчилик бундай кўргазмаларни тижорат мақсадида ташкиллаштирилган деб тушуниши ҳам мумкин. Аслида эса уларда кишиларни маъна юксалтирувчи, Ватан, миллат каби тушунчаларнинг нақадар буюклигини қалбимизга синдирувчи ва ҳаётга муҳаббат уйғотувчи сирли куч яширинган.

ҚАЛБИМДА АЖИБ БИР ҲИС УЙҒОНДИ...

Мен таҳсил олаётган даргоҳ Талабалар шаҳарчасида жойлашган. Ҳар сафар ўқишга кетаётган ёки ўқидан қайтаётган кезларимда, ўзбек ва рус тилларидаги қаҳриқларга кўзим тушади. Беихтиёр уларни ўқийман: «Тошкент — бу менинг Талабалар шаҳарчам», «Ўзбекистон — менинг Ватаним», «Шаҳримни чаманзорга айлантираман», «Тошкент — 2200 ёшда», «Юртим юрагиман, Тошкент!»...

Дарҳақиқат, бутун республикамиз бўйлаб шаҳримиз юбилейига қизгин тайёргарлик кетмоқда. Албатта, бундан бизнинг шаҳарчамиз ҳам истисно эмас. Ёшларнинг фаол иштирокидаги кўламини кенг ободончилик ишлари, кўплаб тадбирлар бунинг ақоли исботидир.

Бу борада яна қандай ишлар режалаштирилмоқда, деган савол билан «Ёшлик» шаҳарчаси ҳокимияти мутасаддиларига юзландим.

— Пойтахтимизнинг 2200 йиллик тўйига тайёргарликлар катта, — деди шаҳарча ахборот хизмати раҳбари Назира Ҳамроева. — Жумладан, талабаларга қулайлик яратиш мақсадида барпо этилаётган маиший хизмат уйи яқин кунларда фойдаланишга топширилади. Яхши маълумки, ўқув юртлири ўртасида «Тошкент — 2200 ёшда» ишлар танлови, шунингдек, «Ўз уйимни обод этаман», «Тошкентнинг ой қизиман» ва «Ёшлик» шаҳарчаси гўзали танловлари эълон қилинган бўлиб, талабалар шаҳримизга оид ўз билим ва иқтидорларини, ҳайкалтарошлик, кўгирчоқ театри томошалари каби турли йўналишдаги хунарларини намойиш этишмоқда. Мустақиллик байрамини арафасида танловларнинг якуни эълон қилинади.

Яқинда эса яна бир танловнинг дастлабки босқичи бўлиб ўтди. ЎЗМУ, Тошкент Тиббиёт академияси, Тошкент Давлат техника университети, Ўзбекистон Давлат санъат институти, Тошкент Давлат юридик ва Тошкент молия институтлари талабалари ўртасида ўтказилган ушбу танлов ҳам пойтахтнинг 2200 йиллигига бағишланади.

... Ҳар кун келиб-кетиладиган кадрдон университетим атрофида яна бир бор назар таштайман. Ўзгаришларни кўриб, қалбимда ажиб бир ҳис уйғонади. Бу қандай тўйга эканлигини сўз билан тушунириб беролмайман. Узоқлардаги мени дуо қилиб турган онами эслаганда, дилимдан ўтган кечинималар, танимни жунбушга келтирган ҳаяжонга ўхшаш «нимадир» эканлигини сезаман...

Келахатинг нури бўлсин, она шаҳрим, азим Тошкентим!

Забунисо НАЗИРОВА, ЎЗМУ журналистика факультети иккинчи босқич талабаси

Кўргазмалар

НАҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ЗАМОН ТАЛАБИ

Тошкент Ахборот технологиялари университетида Ўзбекистон дастурчилари Миллий анжумани ҳамда «BEST SOFT UZBEKISTON — 2009» дастурий маҳсулотлар Миллий кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир Ўзбекистон ИТ-корхоналари ва ташкилотлари уюшмаси, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, шунингдек БМТ Тараққиёт Дастурининг «АКТ Сиёсати» лойиҳаси (ИКТР) ёрдамида ташкил қилинди. Бу тадбир АКТ соҳасидаги софтвер тармоғининг муҳим тадбирларидан бири ҳисобланади.


Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда софтвер соҳасида атрофлича кўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсатининг диққат марказида туради. Буларнинг барчаси Ўзбекистон софтвер маҳсулотлари бозорининг микдор ва сифат кўрсаткичлари анча ўсиши учун замин ҳозирлади. Дастурий таъминот ишлаб чиқиш соҳасида фаолият юритаётган корхоналар сони доимий равишда ўсиб бораёпти, дастурий маҳсулотлар бозори ҳажми ва лицензияли

дастурий таъминотдан фойдаланиш даражаси ортаёпти, сертификатланган дастурчилар кўпаймоқда. Халқаро outsourcing тизимида софтвер маҳсулот ишлаб чиқарувчи миллий компанияларнинг маъвои мустаҳкамланганлиги ижобий ҳолдир.


Мана уч йилдирки, Дастурчилар миллий анжумани ва «BEST SOFT UZBEKISTON» дастурий маҳсулотлари Миллий кўргазмаси доирасида Дастурий маҳсулотлар танлови ўтказиб келинмоқда.

Танловнинг асосий мақсад ва вазифалари Ўзбекистон Республикасида замонавий ахборот технологияларини оммалаштириш ҳамда улар ривожланишини, ИТ соҳаси мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими учун керакли рақобатбардош дастурий таъминот яратилишини рағбатлантириш, энг аҳамиятга ва истиқ-

болли дастурий ишланмаларни аниқлаш, рағбатлантириш ҳамда бозорга олиб кириш, дастурий таъминот ишлаб чиқ-



рувчи миллий компанияларга ёрдам берилишини ҳамда улар кўллаб-қувватланишини ташкил этиш, уларга Ўзбекистоннинг



етақчи оммавий ахборот воситалари эътиборини қаратишдан иборатдир. «BEST SOFT UZBEKISTON — 2009» анжуман-кўргазмаси республика танлови қолиблари Дастурий маҳсулот-йил маркази, 2008 йилда жорий этилган энг яхши лойиҳа, ИТ таълими соҳасидаги энг яхши компания номиначияларга бўйича тақдирланади.

«BEST SOFT UZBEKISTON — 2009» анжуман-кўргазмаси республика танлови қолиблари Дастурий маҳсулот-йил маркази, 2008 йилда жорий этилган энг яхши лойиҳа, ИТ таълими соҳасидаги энг яхши компания номиначияларга бўйича тақдирланади.

Элёр УРОЛОВ, ЎЗМУ ўзбек филологияси факультети 3-босқич талабаси

Қуни кеча Ўзбекистон қасаба уюшмалари Кенгаши катта залида Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари Кенгаши ташаббуси билан Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Ёнич хавфсизлиги, Йўл ҳаракати хавфсизлиги, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармалари, «Тошшаҳартрансизм» уюшмаси, «Меҳрли савдо», «Дори-дармон» масъулияти чекланган жамиятлари ва бошқа жамоат бирлашмалари ҳамкорлигида ўтказилган семинар-йиғилишда мактаб ўқувчиларини ёзги мавсумда дам олдириш ва соғломлаштиришга оид масалалар ҳусида фикр юритилди.

Тадбирда соҳа мутасаддилари, давлат жамоат бирлашмалари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этилди.

Йиғилиш иштирокчилари Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Нурилла Насимов, раиснинг маънавий-маърифий ва спорт ишлари бўйича ўринбосари Анатолий Ефимов, меҳнат хавфсизлиги бўйича етакчи мутахассис Қобил Дадабоев, юрист-маслаҳатчи Людмила Дада-

Қасаба уюшмалари фаолиятидан ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Келахатимиз пойдевори ҳисобланган ёшларнинг маънавий-маърифий, жисмоний камолотига етарли эътибор қаратиш, уларни қўллаб-қувватлаш, ёш истеъдод эгаларининг иқтисодий ўстиришга хизмат қиладиган жиҳатларни юзага чиқариш диққат-эътиборда турган масалалардан ҳисобланади.

бове ва бошқаларнинг мавзу доирасида маърузаларини тингладилар.

Маърузалар давомида таъкидланганидек, 2008 йил 83 мавсуми давоми 22 та стадион ва мактаблар қошидаги 36 та кундузги оромгоҳларда 42 минг нафардан зиёд мактаб ўқувчилари хордик чиқаришди. Улардан 29 минг нафари стационар оромгоҳларда, 14 минг нафари мактаблар қошида ташкил этилган оромгоҳларда ёзги мавсуми мароқли ўтказилган. Шулардан 2000 нафарини Қорақал-

поғистон Республикаси меҳнаткашларининг фарзандлари ташкил этиди. Шу билан бир қаторда ёзги мавсум давомида аҳолининг ижтимоий жиҳатидан кам таъминланган қатлами вакиллари, «Черныбыль АЭС фожиаси оқибати тугатилишида қатнашганлар жамияти» «Афғон воқеалари ногиронлари» жамиятларида 219 дон айланималар, спорт мактабларининг 357 нафар тарбияланувчиларига, коллежаларнинг 250 нафар талабаларига имтиёзли равишда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидан

икки минг нафардан зиёдга бепул тарздаги йўлланмалар берилди.

Уттан давр мобайнида тасарруфида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бўлган қорхона, ташкилотлар томонидан капитал ва жорий таъмир ишлари ҳамда юмшоқ, қаттиқ инвентарлар сотиб олиш, сақлаш, ишлатиш учун 1,9 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Жорий йил давомида эса болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 42.050 нафар болаларни дам олдириш кўзда тутилган. Шундан 22.900 нафар болалар — қасаба уюшмаларининг ижтимоий сугурта бюджетига ҳисобдан, 19.150 нафар болалар — шаҳар ҳокимлигининг бюджетдан ташқари маблағи ҳисобдан ҳамда 15.500 нафар болалар мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларда хордик чиқаришди.

Семинар-йиғилиш якунида белгилаб олингандек, жорий йилда ҳам хавфсизлик, жамоат тартибинин сақлаш мақсадида ички ишлар ходимларининг навбатчилиги ташкил этилди. Оромгоҳларда малакали шифокорлар, малакали педагог-тарбиячилар хизмат кўрсатишди. Хидирали ПАНЖИЕВ

ФРАНЦИЯДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИ НАШР ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда). Шунингдек, Президент Ислам Каримов ўз китобида инқироз дунё ҳамжамиятининг бир қисми бўлган Ўзбекистонни айланиб ўтиб кетмаслигини таъкидлаган. Шу билан бирга у танг оқибатларнинг таъсири чекланганини, зеро, Ўзбекистонда уни бартараф этиш учун дастлабки шарт-шароитлар мавжудлиги учун энгил кечилиши кўрсатиб беради.

Оқилона сиёсат тўғрисида хорижий сармоялар узоқ муддатли устувор лойиҳаларга жалб қилинди. 2010 йилга келиб банклар капиталининг икки баробарга ошиши Ўзбекистон иқтисодиёти барқарорлигининг калитидир.

— 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг қабул қилиниши яна бир муҳим қадамдир, — дейди П. Шабаль. — Унда кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши, аминманки, Ўзбекистон Республикасининг бўҳрондан қутилиши ва самарали иқтисодиёт билан чиқишига хизмат қилади. Сиёсатшунос сифатида мен Ўзбекистон Президентини асарининг истиқболни белгилаш, қарорлар қабул қилиш ва уларни ҳаётга жорий этиш каби уч томонлама жиҳатларини ҳам юқори баҳолайман.

«Обертур Текнолоджи» компаниясининг Болтиқбўй ва МДХ давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича директори Н. Жиро эса куйидаги мулоҳазаларни билдирди: «Президент Ислам Каримовнинг китоби билан танишиб, мен Ўзбекистоннинг ўз самарадорлигини исботлаган бозор иқтисодиётига ўтиш йўли тўғри эканига амин бўлдим. «Янги уйни қурмай туриб эскисини бузма» тамойилига асосланган ушбу модел Ўзбекистон ҳукуматининг ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш орқали маъмурий-бўйруқчилик тизимидан бошқарувнинг бозор муносабатларига ўтишидаги оқилона сиёсатидан далолат беради».

«Жаҳон» АА

Иқтисодиёт

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТАДИ

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиз изланишлари самарасини ички бозорга чиқарилаётган сифатли маҳсулотлардагина эмас, балки «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи билан чет давлатларга экспорт қилинаётган товарларда ҳам кўриш мумкин.

Йилдан-йилга экспорт ҳажмининг орттиришига интилаётган «Мос Ян-Текс» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида маҳаллий хом ашёдан асосан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. 2004 йилда фаолиятини бошлаган маъқур корхонада йилдан-йилга ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига қўшмича иш ўринлари ҳам ташкил этилаётганини эътиборлидир.

— Корхонамиз ҳечқандай замонавий бичиш, тикиш ва дазвол босиш дастгоҳ ҳамда ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, — дейди корхона раҳбари Ақром Хайдаров, — асосан хотин-қизлар меҳнат қилишади. Модельер-дизайнерларимиз сазй-ҳаракати ва бозорни ўрганиш асосида маҳсулотларимиз турини кўпайтиряпмиз. Бунинг натижаси эса яхши самара бериб, буюртмаларимиз охиб борапти.

Ўтган йилда корхона тадбиркорлари томонидан 1.517.447 минг сўмлик трикотаж маҳсулотлари тайёрлашиб сотилди, шу жумладан 488,2 минг АҚШ доллари миқдоридagi товарлар четга экспорт қилинди. Жорий йилни муваффақиятли бошлаган жамоа аҳли йил охиригача ишлаб чиқаришни кенгайтириш асосида яна 30 нафар хотин-қизни иш билан таъминлашни кўзда тутишган. Олинган даромад ҳисобига илчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам оширилади. Шунингдек, чет эллик хариддорларни жалб этиб, экспорт ҳажмини ўтган йилдагига нисбатан 1,5 бараварга оширишни мақсад қилишган. Бугунги изланиш ва сазй-ҳаракатлар ана шу мақсадга яраша бўлмоқда.

БЕШИКСОЗ УСТА

«Бешик боласи — бек боласи», дейишади кекса онахонларимиз. Шу боис ҳам урф-одатларимизга кўра чақалоқни бешикка солаемиз, унинг ўз гўшасида ором олиб ухлашидан завқланамиз.

Гўдақлар учун ана шундай қулай, оромбахш бешикларни ясаш ота-боболаримиздан мерос бўлиб, хунар сирлари аждодлардан авлодларга ўтиб келмоқда. Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги «Чукурсой» маҳалласида Хуршид Максудовни барча танийди. У Максудовлар сулоласининг вақили ҳисобланиб, бешиксозлик сирларини отаси Бахтиёр акадан ўрганган. У болалигидан отасига бешик ясашда ёрдам берган ва ҳозирда бир неча йилдирки, ўз фаолиятини муваффақиятли олиб бормоқда.

— Болаларни жуда яхши қўраман, — дейди уста Хуршид Максудов. — Шу боис бўлса керак, бешик тайёрлаётганда унда ором олиб ухлаётган гўдакни кўз олдимга келтираман ва бундан завқланиб меҳр билан ишлайман. Унинг қулайлигига, мустаҳкамлигига катта эътибор қаратаман, табиий бўёқлардан фойдаланиб пардозлайман. Шу боис ҳам кўп йиллар хизмат қилади.

Бешиксоз уста маҳсулотларини тайёрлашда тут, ёнғоқ ва бошқа дарахтардан фойдаланади. Энг муҳими эса гўдак учун қулай бўлишига эришади, дизайнига ижодий ёндашади. Шунинг учун ҳам унинг устахонасидан хариддорлар кети узмайди.

Ўз хунарини мукамал эгаллашга кунт ва сабот билан эришган, шунинг баробарида айни пайтда ҳам уста бешиксозлар билан ҳамкорлик қилаётган Хуршид Максудовнинг шогирдлари сафи ҳам ортиб бормоқда. У хунарга қизиққан ёшларга бешиксозликдан сабоқ беради, талабчанлик билан хунар сирларини, нозик жиҳатларини ўргатади. Ҳозирги пайтда ёш устадан бешиксозлиқни ўрганган 4 нафар шогирд мустақил иш юритаётгани бунинг исботидир.

От изини той босар, дейишади. Бобомерос хунарни отасидан ўрганган Хуршид айни пайтда ўз фарзандига ҳам бешиксозлиқни ўргатамоқда. Янги авлод вақили олти ёшли Миронус ҳам миллий хунарга меҳр қўймоқда. Бу — албатта сулоланинг давомчилиги ўсаётганидан нишондир.

Шарофат БАХРОМОВА

Дам олиш соатларида

Болалар ширинликларни севишади, аммо...

УЛАР ҲАР ХИЛ БЎЛАДИ

Фарзандларини ширинликлар билан сийлашни ким ёқтирмайди: ахир уларнинг қувончи дилларимизга қанчалар сурур бахш этиши маълум-ку. Бироқ, соҳа мутахассислари улар билан болаларни қувонтиришда эҳтиёт бўлишга ҳам даъват этишади. Шунинг учун мутахассисларнинг қуйидаги фикрларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Мутахассислар фойдала деб ҳисоблайдиган ширинликлар:

Тахир шоколад – таркибида В1, В2, РР витаминлари, микроэлементлардан натрий, калий, магний, темир моддалари, шунинг-

дек, теобромин ва кофеин деб аталувчи қувватбахш моддалар бўлади.

Қуруқ мевалар – калий, кальций, магний ва темир моддаларига бой бўлади.

Мармелад – таркиби пектин моддаси (қондаги холестеринни камайтиради, ошқозон-ичак йўллари фаолиятини яхшилайдди, захарли моддалар ва радионуклидларни танадан чиқариб юборади ва агарда жигар ишини яхшилайдиган) моддаларидан иборат.

Зефир, пастила – қарийб мармеладдек таъсир кўрсатади.

Холва – юқори калориялигига қара-

май, фойдали ва тўйимли ширинлик ҳисобланади.

Қуйидагилар эса, мутахассислар таъкидига қўра, зарарли ҳисобланади:

Шоколадли батончалар – улар таркибида шоколад жуда кам бўлади, зарарли ҳисобланадиган карамеллар, нугилар кўп қўшлади.

Ирислар, обаклар, чайнашга мўлжалланган конфетлар – юқори калориялиги ва тўйимлиги қарийб ногла тенг бўлиши билан бирга, тиш эмалларини емиради.

Карамеллар – тўйимлиги ногла тенг бўлиб, юқори калорияли ва бунинг устига тишларни ишдан чиқаради.

Вафли, печеньелар – кераксиз юқори калорияга эга бўлиши билан бир вақтда тишларни ишдан чиқаради.



Дилдан кечган саволлар ва уларга жавоблар

ҚАНЧА УХЛАШ КЕРАК?

Тиббиёт фанлари номзоди **Муҳаммадjon Миршарипов** жавоб беради:

— Табиат бизни шундай яратганки, 5 – 5,5 соатлик уйку инсоннинг физиологик эҳтиёжларини тиклаш учун керак бўладиган энг кам миқдор ҳисобланади. Бундан қанчалик кўп ухлаш эса, ҳар бир одамнинг ўз шахсий эҳтиёжи билан боғлиқ. Шахсан ўзингизга қанча ухлаш кифоя қилишини аниқлаш қийин иш эмас.

Бир ҳафта мобайнида тахминан бир вақтда ётиб (яхшиси соат 22 билан 24 орасида ётган маъкул), ҳатто кундузи соат 11-12 ларга ётган бўлса ҳам, қанча хоҳласангиз – шунча ухланг. Кейин бирданга эрталаблари 8 – 9 ларда (ҳатто 6 – 7 ларда) уйғонаётганингизни сезиб қоласиз. Шундан кейин ортиқча уйкунгиз келмайди. Айнан шу вақт сиз учун энг матлуб уйку вақти ҳисобланади. (Мазкур тажрибани меҳнат таътили пайтида ўтказган маъкул).

АСАЛ ОЗИШГА ЁРДАМ БЕРАДИМИ?

Тиббиёт фанлари номзоди **О. Содирихонов** жавоб беради:

— Асал ҳақиқатан ҳам вазнни мўтадиллаштиришга ёрдам бериши мумкин. Биринчидан, овқатдан олдин тановул қилинган бир чой қошиқ асал иштаҳани кескин пасайтиради. Иккинчидан, асал углеводлари ётга айланмайдиган хусусиятга эга бўлади. Лекин бу – қоматни ростлашнинг ягона ва бирдан-бир воситаси, деган гап эмас.

ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАСИ

Бўйин йўғонлиги ва юрак касалликлари билан оғриш хавфи ўртасидаги боғлиқликни америкалик олимлар яқиндаги тадқиқотлар натижасида аниқлашди. Улар ўртача ёши 51 га тенг бўлган 3300 дан ортиқ эркеклар ва аёлларни текширишдан ўтказишди. Бўйиннинг ўртача деб олинган ҳажми аёлларда 34,2 см, эркекларда – 40,5

смга тенг бўлди. Айни пайтда шу миқдордан ортиқча ҳар бир сантиметрда қондаги "яхши" холестерин миқдори камайиб, глюкоза миқдори ортиб бориши кузатилди.

"Маълумки, бел айланаси тўпланган ташки, тери ости ёғларининг ҳажмини акс эттиради. — дейди шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Э.Абдуллаев. — Бунда муаммонинг ечими анча осон — парҳезга ўтириб, озиш керак бўлади. Бироқ, маълум бўлишича, бел йўғонлиги нормал ҳолатда бўла туриб, ҳам ички ортиқча ёғ қатламлари ҳосил бўлиши мумкин экан.

Улар, асосан, юрак, жигар ва ошқозон ости беши каби аъзолар атрофида тўпланади. Ёғлар қориннинг катталигидаги каби инфаркт ва инсулт хуружлари хавфини тугдиради. Шунинг учун ҳам америкалик тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, шундай ёғ қатламлари мавжудлиги ҳақида бўйиннинг ҳажмига қараб ҳам мулоҳаза юритиш мумкин экан. Бироқ, фақат парҳезга риоя этиш билангина улардан қутулиб бўлмайди. Яна мунтазам жисмоний машқлар ҳам керак бўлади.

Кашфиёт ва ихтиролар

ҚУЁШДАН ОТИЛГАН СОВУҚЛИК

Калифорния технология университетидан NASA тадқиқотчилар гуруҳи 2006 йил 5 декабрда сўнгги 30 йил давомида Қуёшда юз берган энг қудратли чакнашларнинг бирини таҳлил этиб чиқди. Уша чакнашдан сал олдинроқ, 2006 йил 25 октябрда NASA бир-бирига ўхшаган иккита СТЕРЕО аппаратларини фазога чиқарганди. Уларда ўрнатилган ускуналар чакнашлар чоғида отилиб чиққан Қуёш моддалари билан боғлиқ жараёнларни батафсил ўрганиш имконини берди.

Маълум бўлишича, юқоридаги ҳолат бизда кенг тарқалган Қуёш назариясидан жиддий фарқланади. Уша улкан чакнашдан бир соат кейин йўлдошлардан бири ускуналари оқим сифатида отилиб чиққан моддаларни қайд этган. Бироқ, қутулганига қарши ўларок, у беистисно водороднинг ионлашмаган (демак – совуқ) атомларидан иборат бўлган. Унда ҳатто гелий ҳам бўлмаган. Бу ҳолат тахминан 90 дақиқа давом этган. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, Қуёшдан моддаларнинг отилиб чиқиши фақат бир ускуна томонидан қайд этилган. Бу ҳолат эса, оқимнинг энсиз бўлганини тасдиқлайди.

Шундан кейин 30 дақиқа давом этган танафус юз берган. Шу танафусдан кейингина ускуналар олимлар кутган водород, гелий, кислород, темир моддалари ионлашган плазмалари оқимини рўйхатга олган. Афтидан, қайд этилиши эҳтимоли қарийб бўлмаган энсиз йўналишдаги совуқ моддаларнинг атом ҳолатида отилиб чиқиши ҳамиша Қуёшдаги чакнашлардан кейинроқ, аммо улкан куч билан отиладиган плазмалардан олдин юз беради.

Ҳақиқий плазма оқимидан олдин юз берадиган совуқ атомларнинг отилиб чиқишидек ноёб ҳодиса Қуёшнинг бизнинг тасаввуримиздаги аъёнавий моделларига тўғри келмайди ва чўқур ўрганишни талаб этади.

ХИТОЙДА ҚУРҒОҚЧИЛИК СУНЬИЙ ЁМҒИРЛАР БИЛАН ЮМШАТИЛАДИ

Хитой метеорология хизмати суньий ёмғирларни ёғдиришни тажриба қилмоқда. Бу тадбир узоқ қурғоқчиликларга барҳам бера олмасда, унинг оқибатларини жиддий равишда енгиллаштириши мумкин. Суньихуа агентлигининг хабар қилишича, 7 февраль кундузи Хэнан вилоятининг айрим туманларида ёмғир келтирадиган булутларни шакллантириш ва кам миқдорда – яъни 0,5 миллиметрча бир оз ёмғир ёғиши учун атмосфера шароитларидан энг самарали фойдаланишга эришилди.

Энг кўп ёғингарчилик (5,5 мм) қурғоқчиликдан энг кўп азият чеккан вилоятнинг маъмурий маркази – Чженчжоу шаҳрининг гарбий худудларида уюштирилган. Умуман Хэнан вилояти худудида ўтган йилнинг 24 октябрдан буён 100 кун давомида айтарли ёғингарчилик бўлмаганини таъкидлаш ўринли.

Замира ХОЛБОВА



Сўлим гўшаларда завкли сайр.

Тиббиёт илми янгиликлари

ОЛИМЛАР СУРУНКАЛИ КАСАЛЛИКЛАР ГЕНЛАРИНИ АНИҚЛАШДИ

Жанубий Корея тиббиёт олимлари кон-босими ва кальций танқислигига масъул генларни ажратиб олишга муваффақ бўлишди. Ушбу генлар гипертония, танани ёғ босиши, қандли диабет ва остеопороз сингари касалликларнинг ривожланишига йўл очади. Олимлар 9 мингдан ортиқ кишининг ДНК ларини текшириб чиқиб, аниқланган ген тана оғирлиги, одамнинг бўйи ва томир уриши тезлигига ҳам жавоб беради, деган хулосага келдилар.

Топилган ген бутун дунёда катта муаммолар туғдираётган касалликларнинг ривожланишига ёрдам беради. Эндликда олимлар шу касалликлар ривожланишининг олдини олиш ва шунингдек, уларни назорат қилиб бориш ҳамда даволаш имконига эга бўладилар, дея хабар қилади Reuters.

САРАТОННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИНИМИ?

Олимлар, 40 ёшдан кейин мунтазам аспирининг истеъмол қилиб бориш саратон касаллиги билан оғриш хавфини камайтиришини аниқлашди. Аспирин ялғиладан жараёнларнинг бошланишига алоқадор оқсиллар таъсирини қўради.

Лекин, шунга қарамай, олимлар юқоридаги касалликнинг олдини олиш мақсадида мазкур дорини мунтазам ичиб юришни тавсия этишмайди. Бундан ташқари, саратон билан оғриш хавфи 60 ёшдан кейингина энг кўп таҳдид солади. Бунинг устига бу ёшда яра ва қон кетишлари хавфи 60 ёшдагидан анча кам бўлади.

Тадқиқотлар давом этмоқда. Олимлар аспирин саратоннинг олдини олишда ёрдам берадиган кишилар гуруҳини аниқлашлари, шунингдек, анча хавфсизроқ ҳисобланган болалар аспиринининг ўсимталар ривожига таъсир даражасини ўрганиб чиқишлари ҳамда ички қон кетишларининг олдини олишда бошқа доридармонлар орқали ёрдам бериш йўллариини излашлари керак бўлади, деб ёзади ВВС.

Спорт оламида

ХИДДИНК: ХАЙРЛАШИШ ОНЛАРИ ҚИЙИН КЕЧАДИ...

Англия премьер лигасида футбол мавсуми ниҳоясига етмоқда.Айни пайтда голландиялик мутахассис Гус Хиддинкнинг машҳур «Челси» клубига мураббийлиги бўйича белгиланган муддат ҳам охирига қолди.

Ёдингизда бўлса, Буюк Британия пойтахти ва у билан бирга бутун дунё Россия терма жамоаси бош мураббийси шу йилги мавсум охиригача «Челси» мураббийлигини ҳам зиммасига олганидан хабар топганда. «Файзли оқшомлар» саҳифаларида голланд «Фози»нинг «Челси»даги фаолиятдан баҳоли қудрат хабардор қилиб келаяпмиз.

Унинг аристократлар жамоасидаги фаолияти самарали бўлгани, «омадли Хиддинк» лақаби бу ерда ҳам сеҳрли кучини намоён этганига ўзингиз гувоҳсиз. Унинг раҳбарлигида турли миллат вакилларидан ташкил толган жамоа янада жипслашди, галабага бўлган интилишларда бир жону тан

ни таъкидлайди) эътироф этишди.

Нима бўлганда ҳам Гус Хиддинк фаолияти жамоа аъзоларида ҳам, футбол мухлисларида ҳам яхши таассурот қолдиргани шубҳасиз. Зеро, кўпчилик ишқибозлар буюк мураббий раҳбарлигида уюшган жамоа бахш этган ўнлаб ҳаяжонли лаҳзаларни бошдан кечирди. Энг муҳими, «Челси» пастга тойишдан тўхтаб, мамлакат биринчилигида ҳам, Чемпионлар лигаси мусобақаларида ҳам бой берилаётган имкониятларини асраб қола олди ва бойитди ҳам.

Премьер лиганинг 36-туридаги «Арсенал» устидан унинг майдонда йирик – 4:1 ҳисоби билан қозонил-

ган галаба аристократлар нималарга қодир эканликларини яқол намойиш этди. Негаки, «Арсенал»чилар 21 тур давомида мағлубият нималигини билмай келишаётганди.

Катта ташкилотчилик қобилияти эгаси Гус Хиддинкнинг «Челси»даги масъулиятли ва айни пайтда унинг ўзига ҳам қўп баҳо ҳаяжонли ва мамнулик оларини бахш этган фаолияти шундай яқунломқда.

— Ушбу клуб билан ишлаш менга ёқиб қолди, — дея таъкидлади Хиддинк интервюларидан бирида. — Бу ерда мен жуда катта мамнуият билан ишладим ва ўзимни каттақон клубнинг бир бўлаги сифатида ҳис этиб турдим.

Газетхон маслаҳат беради

Фойдасини сезасиз

• Оғрикли бўғимларни биз одатда соч қуришда фойдаланадиган электр фендан йўналтириладиган қайноқ ҳаво оқими билан даволаш мумкин. Қайноқ шамол тўппа-тўғри оғриқдан азият чекаётган бўғимга, миозит (скелет мускуллари) хасталиқларида эса — мускулларга йўналтирилади. Фен оралиги 15-20 сантиметр бўлиши ва муолажа терилар қизаргунча — тахминан 15-20 дақиқа давом этиши керак. Кунига 2-3 марта такрорлаш мумкин. Мазкур муолажа бўғимлар ҳаракатланиш пайти оғришида айниқса фойдали бўлади.

• Мастопатия касаллигида оғриқ бўлса, янги узилган карам барглариини гўшт қиймалагичдан ўтказиб, қуюқ бўтқа ҳосил бўлган каттиқча аралаштирилади, ип газлама парчасига бир хил қалинликда суриб чиқилади ва оғриқли ерга қўйилади. Латтининг қуриб қолишига йўл қўймай, уни оғриқ йўқолгунча кун давомида бир неча марта алмаштирилади.

• Қабзият юз берганда, олмаининг пўстини артиб, майда тешикли қирғичдан ўтказилади ва тенг миқдорда тузланган карам билан аралаштирилади. Аралашмани эрталаб наҳорга кунига бир маҳалдан истеъмол қилинади.

Адабиёт ва санъат

НАПОЛЕОН АСАРИ БРИТАНИЯДА ЧОП ЭТИЛАДИ

«Ореанда-янгиликлар» агентлиги хабар қилишича, Буюк Британияда Франция императори Наполеон Бонапарт романининг инглизча нашри «Клиссен ва Евгения» номи билан чоп этишга тайёрланмоқда.

Китоб шу йилнинг кўзида – октябрь ойларида Петер Хикс ва Эмили Бартнерлар таржимасида босмадан чиқарилади. Роман француз тилида илк бор фақат ўтган йилгина чоп этилган ва танқидчилар томонидан юксак баҳо олганди. Китобни босишга тайёрлаётган нашриёт вакиллари Наполеонни «ажабтовур беллетрист» сифатида баҳолашган.

Наполеоннинг мазкур асари 26 ёшлик чоғида Бернардина Евгения Дезире Клари билан ишқий саргузаштлари асосида ёзилган, деб ҳисобланади. Дезире Клари кейинчалик императорнинг биродари Иосифга турмушга чиққан.

Экспресс-тренинг:

Ўзингизда синаб кўринг

Табиийки, бир куннинг ўзида беками-кўст ва узоқ муддатга обрў орттириб бўлмайди. Аммо бу жараёни тезлаштириш маъносидан бир кунда анча-мунча нарсга эришса бўлади.

Шу муносабат билан бир кундаёқ яхшигина обрў орттириш бўйича кичкина экспресс-тренинг машини тақлиф этамиз. Дарвоқе, «Файзли оқшомлар»нинг ўтган жума саҳифасида жамоадаги обрўингизни чамалаб билишга қаратилган тест саволларини эълон қилгандик. Ундан керакли хулосани чиқариб олганингизга шубҳа йўқ. Энди эришганларингизни мустаҳкамлашнинг айни пайти деб ҳисоблаймиз.

Шундан қилиб, сиз эрталаб ҳар доимгидан ярим соат олдин туриб...

— Ўз иш кунингизни режалаштирасиз;
— ташкилотингиз дресс-кодида амал қиласиз;

— ишга ўз вақтида етиб келасиз;
— бошлиқларнинг барча фармойишларини бажарасиз;

— ҳамкасбларингизга камида уч бора яхши, ёқимли гаплар айтасиз (бунда яхши гап билан мақтов бошқа-бошқа нарсалар экани ёдингизда бўлсин);

— битта олижаноблик намунасини кўрсатасиз (озор топган кишининг ёнини оласиз, муҳтож кишига ёрдамингизни тақлиф этасиз ва х.к.);

— саховатпешалигингизни намоён этасиз (ҳамкасбларингизни бирон мазали нарсга билан сийлайсиз ва х.к.);

— мунозарали масалани онгли равишда ҳал этасиз, можарони тинчлантириш оқилана йўлини топасиз ёки хафалашиб қолган ҳамкасбларингизни ўзаро яраштириб қўясиз;

— тушлик пайти қулгили бирон латифа айтиб, ҳаммининг кайфиятини кўтарасиз (латифани олдиндан тайёрлаб қўйинг);

— ишдан кетаётганда, ҳамкасбларингизга таъассум билан нигоҳ ташлашсиз, уларнинг кўзларига тик қараб, бугун сўнгги бор илтифот кўрсатасиз (сиз ҳақингиздаги сўнгги таъассурот илиқ бўлиб қолиши учун).

Эҳтимол, базиллар учун бундай хатти-ҳаракатлар қийин, ҳатто бажариб бўлмайдигандай туюлар. Бироқ, беками-кўст обрўингиз йўли осон бўлади, деб сизга ҳеч ким айтмаган-ку...

Саҳифа материаллари турли манбалар асосида тайёрланди.

БИР ЧИМДИМ КУЛГИ

Бир компания раҳбаридан сўрашди:

— Ҳамма қимматли ходимларингизни бўшатиб юбораяпсиз, бунақада ишлашга кимлар қолади?

— Бебаҳоларимиз қолишади...

— Яқиндагина хотиним оппоқликка яқин эканини билиб қолдим.

— Оқ-сарикдан келган демоқчимисан?

— Йўқ, ўзи қорачага яқин, лекин аҳмоқлиги ўшаларга ўхшаб кетади!

— Никотинсиз сигаретлар нега керак бўлиб қолди?

— Ҳатто ўпка саратонидан кўрқиб чекмайдиганлар ҳам ҳар соатда ишдан 5 дақиқа дам олиб, гийбатлашиб олишлари учун-да...

03-03 УЎТГАНИБ ДОМО БУЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БУСТОНИ

ХИКМАТЛАР

Агар дунё вафо қилса, набийларга қилур эрди.

Хазиний, барчага ибрат эрур, моҳ ила хуршиднинг, Туруб олам юзинда, ботмайин, ҳаргиз иложи йўқ.

Лоф уруб: "Олам маним мулкум!" деган шарҳлар қани? Қўймагай охир, билинг, шоху гадоларни фироқ.

Олимни ғийбат этмагил.

Умр кўрсанг бу дунё борича, бор охири ўлмак, Иложи йўқ, қолурму холи бу паймона тўлмасдин.

Тириклик бир баҳоредур, очилгай ранг-баранг гуллар, Етиб келгай хазони, айланиб бир вақт бўлмасдин.

Сиз ани одам деманг, кўнглида ҳиммат бўлмаса, Балки иймони хатарлик, анда ғайрат бўлмаса.

Қоний бўлса қатра найсонга, садаф дур бўлғуси, Бадниҳоде қолғуси, анда қаноат бўлмаса.

Билинг, бир нечаларнинг фикру ёди мол йиғмоқдур, Қиёмат хотирига келмайин умрин адо қилгай.

ЮНУС ЭМРО

Ишқ бирла тургайдир бу олам.

Кўнглинг уйин қиздай тузат.

Дунё ҳаромдир хослара, лекин ҳалолдир мослара, Дўст бўлмагай, бил, бу жаҳон, макруху мурдордир биза.

Толиб — мисоли ирмоқ, Муршид мисоли — дарё, Сайру сафарни хуш кўр, Уммон бўларсан бир кун.

Қарга билан булбулни бир қафасга қўйсалар, Бир-бирин суҳбатидан доим малул эмасму?

Андоқки қарга истар булбулдан айрилмоқни, Булбулнинг ҳам кўнглида мақсуди шул эмасму?

Камтарни эр бил. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

«СОҲИЛ»ДА ЎЗБЕКИСТОН МАНЗАРАСИ

Тошкент Фотосуратлар уйида америкалик фотограф Джон Мэтью Шурбанинг «Соҳил» деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.

Кўргазмада намойиш этилган фото асарлар муаллифи бўлмиш америкалик фотограф Джон Шурба бундан етти йил аввал Питсбург университетини тугатиб Ўзбекистонга келган эди. Ушандан буён бу замин у учун ҳаёт соҳилига айланди.

Кўргазманинг очилиш маросимида хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари вакиллари, халқаро дипломатик корпус ходимлари, танқили расом ва санъатшунослар иштирок этди.

Д. Шурба диққатга сазовор лаҳзаларни суратга олиш билан бирга, маҳаллий фотографлар билан ҳамкорликда ижод қилди, бадиий техника ва композиция асослари бўйича билим юрларида дарс берди. У фаолияти давомда Хива, Термиз, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона водийсидаги тарихий ва замонавий иншоотлар, бетақорор ва мафтункор табиат билан яқиндан танишди.

— Ўзбекистонда ижод қилиш менга ҳузур бағишлайди, —

деди Джон Шурба. — Бу диёр ижодий фаолият юритиш учун ажойиб маскан. Чунки юртингизда санъаткор учун қимматли бўлган бой манзара кўринишлари ҳамда қизиқарли инсоний кадрлар мужассам.

Джон Шурба меҳр билан суратга туширган фото асарларда қорли баландликлар, қинок қаридан порлаб турган юлдузлар моҳирона гавдаланган. Бу тепаликларни Ўзбекистоннинг турли бурчакларидан топишга муваффақ бўлган ижодкор уларни шинамгина қишлоқ кўринишларида, осуда ҳаёт кечирувчи қўй-қўзилар ва юк ташувчи ҳўтиқлар атрофида, фотоаппарат объективига тикланган аёллар ва болалар учун фон бўлиб хизмат қилувчи манзарада акс эттиради. Ушбу лаҳзалар гўёки мангуликка олиб борувчи кўприк.

Ижодкор оддий буюмлар ҳамда турли-туман хом-ашёлларда ўзига хос жозибани кўришга ҳаракат қилади ва бунинг ундадидан чиқади. Унинг диққат-эътиборига тушган ўзбекча нон-

нинг кесак ва тошлар ёнида, бежақонлар қишда ёпиш учун тайёрлаб қўйилган банкалар ёки даракт тағида турган чой идишининг қуёш шуъласи остида тасвирланишида ҳаётнинг номуназамлиги, ўткинчилиги ўзига хос мазмунда акс этган.

Америкалик фоторассомнинг конструктивизм йўналишида яратилган асарлари ҳам алоҳида эътиборга молик. Джон Шурба асарларида хорижий фотографлар ижоди учун табиий ҳолга айланган этнографик репортаж суратларга иштиёқ сезилмайди. Аксинча, у Ўзбекистон манзараларида ҳаққоний гўзаллигини кўришга ҳаракат қилади.

Емгирдан сўнг ҳосил бўлган камалак ёки қўлмақда акс этган манзара, саратонда мазорларнинг ўзига хос кўриниши, ҳатто зинаполярда пайдо бўлган соя, буларнинг барчаси расомда табиий қизиқиш уйғотилади ва ижод қилишга ундайди.

Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»

«Таътил — 2009»

МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Тошкент шаҳар болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича доимий комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда туманлар ҳокимлари ўринбосарлари, касоба уюшмалари ташкилотлари, тегишли идоралар вакиллари ҳамда оромгоҳлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда шаҳардаги қорхона ва ташкилотларга қарашли пойтахтда ва Тошкент вилоятида жойлашган мавжуд оромгоҳларни болаларнинг ёғи дам олиш мавсумига тайёрлаш бора-бора олиб борилаётган ишлар атрофида таҳлил қилинди.

Айни пайтда болаларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун жойлардаги барча оромгоҳларни таъмирлаш, тарбиячи ва етакчиларни саралаш, уларнинг мажасини ошириш ишлари изчил давом этмоқда.

Тошкент шаҳар касоба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасидан маълум қилишларича, бу йил ёзда 42 минг нафардан зиёд пойтахтлик ўғил-қизнинг сўлим оромгоҳлар бағрида дам олиш мўлжалланмоқда. Уларнинг қарийб 16 минг нафари таълим муассасалари ҳошида таъкил этиладиган ўттиздан ортиқ кундузги соғломлаштириш масканида ҳордиқ чиқарса, қолганлари шаҳардаги «Зилола», «Трамвайчи», «Гулбахор» ҳамда Тошкент

вилоятида жойлашган «Машъал», «Автобилчи», «Алоқачи», «Чоткол» каби оромгоҳлар қучоғида бўлади. Жорий мавсумда ҳам кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига имтиёзли йўлланмалар берилади. Бундан ташқари, Оролбўйида яшайдиган икки минг нафар ўғил-қиз бепул йўлланма асосида Тошкент шаҳри ва вилоятидаги дам олиш масканларида ҳордиқ чиқаради. Х.САЛИМОВ, ЎзА мухбири

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БАҲОРГИ МАРАФОНИ

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 162-умумтаълим мактабида баҳорги марафон бўлиб ўтди. «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Юртимизда ёш авлоднинг пухта билим олиши, соғлом, юксак маънавиятли инсонлар сифатида камолга етиши доимий эътиборда. «Баҳорги марафон» лойиҳаси ҳам бу бораддаги эзгу вазифаларни амалга оширишга қаратилган.

Дастлаб Тошкент шаҳридаги мактабга таълим масканлари, эндиликда аса умумтаълим мактабларида ҳам ўтказилаётган мазкур аънавий тадбирда ёшлар турли спорт уйинлари, «Кувноқ стартлар» мусобақалари, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича интеллектуал баҳсларда куч синашади.

Тадбир якунида голиб жамоаларга совринлар топширилди.

Назозат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

Сўнги маълумотларга кўра, гриппнинг янги тури билан касалланиш 29 та мамлакатда қайд этилди. Жаҳон ССТ тавсияси билан ушбу касаллик «чўққа гриппи» деб номланиб, эпидемия даври бошланганлигини тасдиқлади.

Мутахассис оғоҳлантиради

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ: ЯНГИ ГРИПП!

«Чўққа гриппи» қандай касаллик ва унинг олдини олиш учун нималарни амалга ошириш зарур?

«Чўққа гриппи»ни H1N1 вируси келтириб чиқаради. Ушбу вирус чўққа, парранда ва одам гриппи вируслари қўшилиши натижасида юзага келган. Илк бор касаллик Мексика давлатида рўйхатга олинди, ўзининг тез тарқалиш хусусиятига кўра қатор давлатларда қайд этилмоқда.

Касаллик манбаи бемор одам ҳисобланади.

Касалликнинг белгилари тана ҳароратининг 38 даражадан юқори бўлиши, кучли бош оғриғи, томоқ ва мушакларда оғриқлар, бодом безларининг катталашуви, тумов, баъзида қайт қилиш, ич кетиш билан намойн бўлади.

Бемордан соғлом одамга вирус йўталганда, акса урганда, шунингдек,

шахсий гигиена буюмларидан фойдаланганда (сочиқ, рўмолча, уйинчоқлар ва х.к.) юқиши мумкин.

Ташхис тасдиқланган беморлар атрофдагилар учун касаллик бошланганидан 7 кунгача хавфи ҳисобланади. Беморда касалликнинг илк белгилари бошлангани билан дарҳол шифокор чақирилиб, у келгунига қадар беморни атрофдагилардан алоҳидлаш лозим.

Гриппнинг олдини олиш учун қуйидаги тавсияларга амал қилинг:

- кўчага чиқшдан олдин бурунга оксалин суртмасини суриш;
— организмнинг вирусга қарши чидамиллигини ошириш мақсадида таркибда С, А витаминларига бой мевалар (лимон, малина, смородина), наъматак дамламаси ёки сиропи, қўқатлар истеъмол қилиш;
— хоналарни тез-тез шамоллатиш,

дезинфекция моддалари билан ювиб туриш, исирикдан кенг фойдаланиш ҳам ўз самарасини беради;

— ҳаво ҳароратига мос равишда кийиниш, тананинг совиб кетишига йўл қўймаслик лозим.

— аҳоли кўп йиғиладиган жойларда доки ниқоблардан фойдаланилади. — зарурият бўлмаса, касаллик қайд этилган давлатларга чиқиш ман этилади. Айнан эпидемик ноҳуш давлатларга бориб келгандан сўнг касалликнинг бирон-бир белгилари кузатилса ва касалланиш юзига келса, дарҳол тиббиёт ходимларига мурожаат қилиш керак.

Унутманг! «Чўққа гриппи» пневмония, менингит каби оғир асоратлар келтириб чиқариши билан хавфлидир. Дилшод АЛИМУХАМЕДОВ, Тошкент шаҳар ДСЭНМ бош шифокори

Спорт янгиликлари

ЁШЛАР МАШҒУЛОТЛАРДА ТОВАНАДИ

Футбол бўйича 1991 йилда туғилган болалардан таркиб топган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 2010 йили ўтказиладиган Осиё чемпионатининг саралаш беллашувларига пухта тайёргарлик кўриш мақсадида навбатдаги ўқув-машғулот йиғинини Тошкентда ўтказди.

Терма жамоа бош мураббийси Марат Кабаев бу галги машғулотларга йиғирма етти нафар футболчини жалб қилди. Ёшлар жисмоний, техник ва тактик тайёргарлик машқларидан ташқари иккита ўртоқлик учрашувида майдонга тушди.

Дастлаб, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси «Пахтакор»нинг ўринбосарлар таркиби билан куч синашди. М.Кабаев шогирдлари учрашувада ёш пахтакорчилар билан тенгма-тенг беллашган бўлса-да, галаба рақиб жамоага насиб этди. Уйнинг иккинчи ярмида Ҳаётбек Худойбергенов томонидан киритилган ягона гол «Пахтакор»га 1:0 ҳисобида галаба келтирди.

Иккинчи учрашувада ёшлар пойтахтнинг олий лигадаги яна бир вакили — «Локомотив» жамоаси билан куч синашди. Бу учрашувада тажрибали рақибга қарши ҳужумкор ўйин кўрсатган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 2:1 ҳисобида зафар кучди. Галаба келтирган голларга «Машъал» ярим ҳимоячиси Ренат Мухаметшин ва «Пахтакор» вакили Акроб Бахридидов муаллифлик қилди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси китъа чемпионатининг "D" саралаш гуруҳида Эрон, Ливан, Туркманистон, Мальдив ороллари ва Покистон вакиллари билан рақобатлашади. Осиё футбол конфедерацияси қарорига биноан жорий

йилнинг 1-15 ноябрь куни бўладиган саралаш ўйинларига Покистон мезбонлик қилади.

Боҳир БЕК

ПЕШҚАДАМЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Мамлакат миллий XVIII чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 9-тур беллашувлари пешқадам командаларга яна муҳим очколар тақдим этди.

Зарафшон шаҳрида «Қизилқум» жамоаси меҳмони бўлган «Пахтакор» командаси ҳужумкор ва сермазмун ўйин намойиш этиб мезбонлар устидан 5:0 ҳисобида галаба қозонди. Андреев, Маркович (2та), Шарафутдинов, З.Тожиевлар томонидан киритилган голлар Виктор Жалилов шогирдларининг галабасини таъминлади.

Ўз майдонида «Бухоро» жамоаси билан куч синашган «Бунёдкор» командасига меҳмонларни 4:0 ҳисобида мағлуб этиш қийин кечмади. Чунки маълум таънаффусдан сўнг яна майдонга тушган Вильянуэва жамоа ҳужумини кучайтирди. Дарвоқе, меҳмонлар дарвозасини дастлаб Вильянуэва аниқ нишонга олган бўлса, Рамос ва Солиев (2та) томонидан киритилган чиройли голлар муҳлисларни хушнуд этди.

Сафарда «Металлург» билан куч синашган «Локомотив» меҳмонлар билан кечган тенгма-тенг курашда дуранг натижага эришди. Учрашув 1:1 ҳисобида яқинланди. Дарвозаларга голларни «Металлург»дан Ҳошимов, «Локомотив»дан Наукароевлар киритишди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Сўғдиёна» — «Навбахор» — 1:0, «Динамо» — «Насаф» — 0:0, «Машъал» — «Шўртан» — 1:2, «Хоразм» — «Олмалик» — 1:1, «Нефтчи» — «Андижон» — 2:0.

Мамлакат XVIII миллий чемпионатининг 10-тур беллашувлари 14, 15, 16 май кунлари бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз)

«Ўзбекфильм» киностудияси ва хусусий студиялар тақдим этаётган ва кўпчилик эътиборини қозонаётган фильмлар қаторида «Қорақалпоқфильм» ижодкорлари томонидан суратга олинган «Ўғри» картинаси ҳам жой олди. Куни кеча Республика Киночилар уйида тақдироти бўлиб ўтган ушбу киноасар «Қорақалпоқфильм»нинг дастлабки йирик ижодий меҳнат маҳсули ҳисобланади.

Санъат

ИЖОДИЙ МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

Қорақалпоқ халқининг урф-одатлари, аънавалари ва инсонийлик хусусиятлари, одамларнинг соддалиги ва чапчилиги, шу билан бирга бойликка ўқлик, ҳар нарсасга ишонди кетаверишлари натижасида келиб чиқадиган ҳам қулғили, ҳам аянчили вояқалар ҳақида ҳикоя қилувчи «Ўғри» картинаси кинокомедия тарзида ишлангани учун ҳам тақдирот катташчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Фильм қаҳрамони Эрбойнинг хотини Ҳўроз шўрвани пишириб тургани устига қўшни аёл чиқиб қолади. Албатта, уй эгаси шарқона меҳмондўстлик аънаваларига амал қилиб пишган Ҳўрознинг бир оёғини ҳада қилиб бериб юборади.

Аммо қўшни уни ўғирланган товуснинг гўшти деб гумон қилиб, иккинчи қўшига, янги кўчиб келган хонадон эгалари ўғирликдан хазар қилмасликлари, бу гўшт шунинг далили эканини айтади ва шунга қарамай, иккалалари мазаза қилиб уни пақос туширишади. Шу орада улар радиодан қарга, товус, загиргон гўшти захарли бўлиб, ўлимгача олиб боришни эшитиб қолишади. Бундан қўриқиб кетган аёллар нима қилишларини билмай, аромат захарини босади деб, яримта арокни ичиб юборишади. Маст бўлиб қолган қўшилар жуда кўп қулғили ҳолатларга тушишади.

Товусини йўқотган «Оға» ўйламай-нетмай, янги кўчиб

келган қўшини ўғри қилиши, бошқалар ҳам бунга ишонини оқибатида юз берадиган ҳодисалар беихтиёр ҳаммазимини қулдиради. Йўқолган товус орқали одамлардаги эзгу фазилатлар билан ишонсизлик, гумон ва енгилтақлик ўртасидаги тўқнашув томошабинини қулдириш билан бирга чўқур ўйга толдиради ҳам.

Фильмнинг гоёси ҳам яхшилик. Эзгулик инсон табиатининг устувор фазилати эканини намойиш этишга қаратилган. Қорақалпоқ киножодкорларининг баҳорий қувноқ тўқфалари кўпчилигини хушнуд этишига ишонимиз комил.

Ақбар АЛИМУРОВ, Фозил ЖАББОРОВ, ЎзМУ талабалари

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЕАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибиде бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

1. 2009 йил 4 июн куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига тақридан, «Республика Кўчмас мулк биржаси» (РКМБ) ЕАЖ Кўчмас мулк биржасининг 2008 йил 28 августдаги йиғилиши қарори ва Бошқарувининг 2008 йил 19 декабрдаги қарорига асосан РКМБнинг «Богй шамол» МЧЖ устас фондидеги 3,47 фозиз улуши қўйилмоқда. Улушининг бошланғич баҳоси — 41 400 000 сўм.

«Богй шамол» МЧЖ Тошкент вилояти Қибрай тумани Салар шаҳарчасида дам олиш маскани сифатида фаолият юратади. II. Шунингдек 2009 йил 1 июн куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига «ART GUNN» МЧЖ тугатиш бошқарувчиси томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2008 йил 30 октябрдаги 10-0816/9343-сонли ақригига асосан банкрот деб эътироф этилган ҳамда Кредиторлар йиғилишининг 2009 йил 6 майдаги 4-сонли баённомасига асосан жамиятининг Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган, «VUTEK 3360 FC» русумли йирик ўлчам-

даги рангли босма дастгоҳи (оборудования широкоформатной цветной печати) қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 163 109 490 сўм. Ушбу мулклар 1 июн куни соғилмиган тақдирда, тақсиррий аукцион савдосиде 2009 йил 4 ва 11 июн кунлари соат 11.00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўқтатилади. Ушбу савдоларда катнашши учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилган закалат келишувага асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фозидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси — РКМБнинг ОАИКБ «Илак йўли банк» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200993850. Манзил: Тошкент ш. С.Раҳимов т. М.Уразабоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 № 000004. Савдоларга элҳамат!

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г - 406

Телефонлар:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот босқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 3752 нускада босилди. Қоғаз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилиштангиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақлаланди.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқноса. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 5 6

Тошқирилган вақти: 13.20